Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 119 (21. 218) 1992 йил 18 июнь, пайшанба ● БАҲОСИ 2 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар. Янгиликлар. Шарҳлар.

ҒАЛЛА МЎЛ

● Шовот районининг Махтумқули номидаги колхози мутахассислари кузги буғдой ҳосили шу қадар мўл бўлишини кутмаган эдилар: механизаторлар ҳар гектар лалми ердан ўртача 40 центнердан сара дон олмоқдалар.

Бу эса хўжалик омборларига камида 500 тонна дон тўкиш мумкин, демакдир. 500 тонна дон колхозчиларнинг буғдойга йиллик эҳтиёжининг ярмини ташкил этади. Янги ҳосил шу ерда қурилган тегирмонда тортилади.

Шу райондаги «Москва», Комилжон Отаниёзов номидаги, «Ўзбекистон» колхозларида ҳам мўл ғалла ҳосили йиғиштириб олинмоқда. Илгари бу хўжаликларда буғдой етиштирилмас эди. Эндиликда ҳар бир хўжаликда буғдой етиштириш учун 120—150 гектар ер ажратилган. Умуман район бўйича хўжаликларнинг эҳтиёжлари учун камида 4 минг тонна дон олиш режалаштирилмоқда.

(ЎзА).



Ўлкамиз ноз-неъматлари таърифига сўз йўқ. Ёз неъматлари дастурхонимиз кўркига-кўрк қўшяпти. Юқоридаги суратда Зангиота районидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги фаоллари акс эттирилган. Бош агроном Фозилжон Абилқосимов (ўртада) хўжаликнинг пешқадам аъзолари Муборак Зоирова ва Собиржон Алимовлар билан шаҳар аҳолисига юбориладиган саримсоқпиёз сифатини кўздан кечирмоқда.

Ўнгдаги сурат эса Сирдарё вилоятидаги Сайхунобод районининг «Социализм» давлат хўжалигида олинган. Фотима Жаманқулова (чапда), Ханифа Тожибоева ва Фикрия Байроқдоровалар эл дастурхонига помидорларни пешма-пеш етказиб беришда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Ҳалол меҳнат самараси оддий меҳнатчиларни ҳам, шаҳарликлар дилларини ҳам ҳушнуд этяпти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

● Республикамиз ғаллазорларида иш тобора авжига чиқяпти. Пешқадам комбайнчилар суръатга-суръат қўшмоқдалар. Уларнинг фикри-зикри халқимиз ризқи бўлган донни тез ва соз саранжомлаб олишга қаратилган. Улар тегирмону тандирларимиз тўлиб, элимиз дастурхони тўкин бўлишига муносиб улуш қўшмоқдалар.

● Ҳозир айни ноз-неъматлар, сархил мевалар бирин-кетин ғарқ пишиб, кўзни қувонтираётган палла. Ҳар дақиқани ғанимат билган боғбону сабзавоткорлар ғайрат-шижоатни асло бўшаштирмаётирлар!

● Омилкор пахтакору ғаллакор, боғбону сабзавоткорларнинг бугунги кундаги ниятлари — ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, эл-юрт дастурхонига барака ли ҳисса қўшишдир.

ТЕГИРМОНИМИЗ АЙЛАНИБ ТУРИБДИ

● Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва аҳиллиги, жумҳуриятимиз раҳбарларининг астойдил елиб-югуриши, оқилона иш юргизиб, йўқдан бор қилиб, чет эллар билан алоқа боғлаб, халқимиз дардига малҳам қидиришлари туфайли мана мустақилликнинг дастлабки синови — қишдан ҳам эсон-омон чиқиб олдик. Баъзилар каромат қилишгандек,озиқ-овқатдан, айниқса, нондан, шукурким, сиқилиб қолганимиз йўқ.

Лекин, биз хўжалик раҳбарлари халқимизнинг эҳтиёжларини қондириш, таъминот масалаларини ҳал этиш — ёш, мустақил жумҳуриятимиз раҳбарларига нақадар қимматга тушаётганини кўриб, сезиб турибмиз.

Бугунги кунга келиб ғалла — мустақиллигимизнинг асосий негизларидан бири экани очиқ-ойдин сезилиб қолди. Республикамиз Президенти И. А. Каримов бу борада бизни вақтида огоҳлантирган эдилар. Ўтган йилнинг май ойида аҳолининг шахсий эҳтиёжлари учун ғалла ажратиб бериш тўғрисидаги Фармон шундан далолат. Биз шу Фармонни бажара бориб, хўжалигимизда ғалла етиштиришни кескин кўпайтирдик. Айни пайтда одамларни шу Фармонга асосан ғалла билан таъминлаш, ўз томорқа хўжаликларида ғалла етиштира олиши учун зарур бўлган ёрдам чораларини кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Натижа ёмон бўлмади. Жами 240 гектар ернинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 37 центнердан арпа ва буғдой ҳосили олдик. Тўрт юз гектар ернинг ҳар гектаридан эса 53 центнердан мака ҳосили етиштирдик. Кўплаб оилалар ҳам ўз шахсий томорқаларида турли дон маҳсулотлари етиштирдилар. Омборларимиз ғаллага тўлди. Давлат буюртмаларидан ташқари анчагина маҳсулотни ғамлаб қўйдик. Натижада ҳозир омборларимизда минг тоннадан зиёд ўз ғалламиз бор.

Бизда ун, ғаллага зориқиш, деган нарса йўқ. Бундан эллик йил олдин саноат аоссида ишлайдиган тегирмон қурган эдик, икки йилдирки, ундан яна самарали фойдаланаётирмиз. Қудратли тегирмонимиз суткасига саксон тонна ғаллани ун қила олади. У фақат хўжаликка эмас, балки район, вилоят аҳолисига хизмат қилиш қудратига эга. Зориққан оилаларга хўжалиқ ҳисобидан, ун, лозим бўлса ғалла етказиб бериб турибмиз. Яқинда 14 хонадонга бир қопдан бепул ун тарқатдик.

Биз бу йил ҳам ғалла экиладиган майдонларни камайтирганимиз йўқ. Ҳосилдорликни эса яна ошириш чораларини кўраётирмиз. Чунки давр пахта ва бошқа қимматли экинлар билан бир қаторда ғалла етиштиришга бўлган муносабатни жиддий равишда ўзгартиришни талаб этмоқда. Нега десангиз токи, мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигини таъминламас эканмиз, жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини тезлик билан оёққа турғазишимиз қийин. Бугунги кунда ҳар бир деҳқон ана шу нарсани ўйлаб иш юритмоғи лозим.

Қўзибой СИНДОРОВ,
Сирдарё районидаги «Ленинград» жамоа хўжалиги раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ депутати.

ДЕҲҚОН ҚУВОНЧИ

Саратонда экинларга амал киради. Бу йилги табиат нағмаси деҳқонларни кўп қийнади. Лекин деҳқон тадбиркорлик кўрсатди. Ғўза ниҳоллари ердан униб чиққандан кейингина табиий офат унча зиён етказмади. Ҳозир ғўзалар ёппасига гуллай бошлади.

Поп районидаги «Поп» давлат хўжалиги тўртинчи бўлими пахта майдони Ачиққўл массивида жойлашган. Бу ерда ҳамма томон қумликдан иборат. 10—15 гектар қилиб ажратилган пахта майдонларининг атрофи тол, жийда каби дарахтлар билан ўралган. Бу дарахтлар экин майдонини қум кўчишидан ҳимоя қилади.

Мана шу дашт, қум устида баравж ўсаётган ғўза ниҳолларини кўриб чиндан ҳам кишининг баҳри-дили очилади!

Ғўза қатор ораларида бирорта ҳам бегона ўт кўринмайди. Оқ, сариқ, қизғиш ғўза гуллари даштга ғўзаллик, ўзгача тароват бағишлаган. Қўшни пайкалдан бўлим бошлиғи Раҳимжон Олимов келиб, салом-алик қилгач: «Суюнчи беринг, гуллар кўсакка айлана бошлабди», — деди қувончи ичига сиғмай. Бу қувончнинг замирида катта меҳнат, ғам хўрлик ётибди. Масалан, йил бошиданоқ янги техника, эҳтиёт қисмлар олиш ўрнига ана шу пулларни ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга сарфланди. Экишни биринчи бўлиб якунлаган бўлим ишчиларининг ҳаммасига бир ойлик маош миқдорида мукофот берилди. Ғўза қатор ораларига биринчи ишлов беришни энг аввал якунлаган бўлимга 5 минг сўм, иккинчи ва учинчи бўлиб якунлаганга 3 ва 2 минг сўмдан мукофот пули тарқатилди Ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ортгани, меҳнатга муносабати ўзгаргани туфайли пилла мавсуми ҳам, дала ишлари ҳам бир маромда давом этаверди.

Ҳақиқатан ҳам хўжаликда ҳамма ишлар бир маромда. Бир қарич ер ҳам бекор қолмаган. Хўжалик деҳқонлари бу йил 2368 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28,1 центнердан ҳосил олишни режалаштирганлар. Бироқ улар 30 центнердан оширамиз, дея астойдил меҳнат қилишмоқда. Меҳнатингиз баракасини бергин!

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИШОНЧЛИ КАФОЛАТ

Аҳолининг ун маҳсулотларига талабини қондириш— комбинатимиз ишчилари, муҳандис-техник ходимларининг муқаддас бурчи. Буни қалбдан ҳис этган корхона жамоаси бунёдкор меҳнат билан банд. Қўшимча қувватлардан унумли фойдаланаётганимиз, ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ тадбирлар рўёбга чиқаётгани туфайли маҳсулот тайёрлаш ҳажми тобора ортиб бормоқда.

Ун маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан беш ойлик режа 108,5 фоиз адо этилди. Ишчиларимиз ғайрати билан режадагидан 660 тонна кўп ун, 41 минг 681 тонна ўрнига 42 минг 104 тонна, яъни режадагидан 423 тонна кўп омихта ем ишлаб чиқарилди.

Очиғини айтганда, маҳсулот сифати катта самара келтираяпти. Ғалладан юқори сифатли ун ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаб чиқаётгани натижасида беш ойда режалаштирилган 5 миллион ўрнига 15 миллион 583 минг сўмлик фойда олинди.

Албатта, ютуқлар ўз ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Баракали меҳнати билан корхона довруғини ошираётган азамат ишчиларимиз — тегирмон цехидан Абдусамад Комилов, Собир Хўжаёров, омихта-ем цехидан Зоир Қултоев ва ёрдамчи цехдан Ислом Эштемиров каби донгдор ишчилар билан фахрланамиз. Улар бутун маҳоратларини ишга солиб, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини оширишга ёрдам бермоқдалар.

Комбинатда ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қулайликлар яратилган. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 1800—2000 сўмдан юқори. Озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошганлиги сабабли ишчи-хизматчиларга ҳар ойда 300 сўмдан овқат пули тўланяпмиз. Корхонамиз қошида клуб, ошхона, сартарошхона, сомсахона ва новвойхона ишлаб турибди. Эрта-индин барча қулайликларга эга маиший бино ҳам ишга туширилади. Комплекс муолажа кўрсатадиган соғломлаштириш пункти ишлаб турибди.

Ҳозирги иқтисодий танглик шароитида ёрдамчи хўжалигимизнинг ҳам катта фойдаси тегяпти. Ишчилар арзон нархдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминланмоқда. Шу йилнинг беш ойи давомида ҳар бир ишловчига 25 килограммдан гўшт, 35 килограммдан сут ва 65 донадан тухум етказиб берилди. Ёрдамчи хўжаликни янада ривожлантириш чораларини кўраяпмиз.

Бу йил вилоятимиз далаларида ғалла ҳосили мўл бўлди. Ўрим-йиғим бошланди. Комбинат янги ҳосилни қабул қилиб олишга тахт. Технологик жараёнлар қайта кўриб чиқилди. Омборхоналар таъмирланди. Эшик юртимизнинг ун ва нонга эҳтиёжини тўлиқроқ қондириш учун қўлимиздан келган барча чораларни кўраверамиз.

Мурод ИБОДОВ,
Қарши дон маҳсулотлари комбинати директори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси 1992 йил 2 июль куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 17 июнь.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси тўғрисида.

2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида.

3. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида.

4. «Ўзбекистон Республикасида монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

5. «Ўзбекистон Республикасида биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

6. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро валюта жамғармасига, қайта тиклаш ва тараққиёт халқаро банкига, ривожланиш халқаро уюшмасига, халқаро молия корпорациясига, кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи агентликка кириши тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

7. «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг фуқароларидан, аж-набий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида.

8. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

9. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.

10. «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.

11. «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.

12. «Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

13. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.

14. «Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.

15. «Муқобил (меҳнат) хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.

16. «Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

17. «Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

18. «Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

19. «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.

20. «Деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.

21. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.

22. «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.

23. «Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.

24. «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.

25. Ўзбекистон Республикасининг миллий пул бирлигини тайёрлаш ва муомалага киритишга доир тадбирлар тўғрисида.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фарманларини тасдиқлаш тўғрисида.

27. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисида.

28. Олий суд, баъзи вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида.

29. Халқаро Фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш ҳақида.

30. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий комиссияси таркибига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида.

31. Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибида ҳарбий ҳайъат тузиш тўғрисида.

32. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг парламентлараро иттифоқдаги вакиллари тўғрисида.

33. «Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.

● ҲАЖ САФАРИ

УЛУҒ САВОБ ЙЎЛИ

Жаҳон мусулмонламиннинг бу йилги муборак Ҳаж сафари ниҳоясига етди. Ҳар бир мўмин-мусулмон учун фарз бўлган беш омилнинг бири шараф билан адо этилди. Бу гал Ўзбекистон Республикасининг тўрт мингга яқин фуқароси сафарда бўлди. Тошкент — Жидда ҳаво йўлида қатнаб турган Ўзбекистон «Ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг пўлат қанотли қушлари зиёратчиларни ташиб кела бошлади. 310 киши тушган биринчи аэробус куни кеча тунда Тошкент тайёрагоҳига қўнди. Узоқ сафар ниҳоясида чеҳрасида қувонч барқ урган бу зиёратчиларнинг дил сўзларини эшитишга муяссар бўлдик.

Ойша МУРОДОВА, Тошкент шаҳри, Файзобод маҳалласи:

— Мен бахтиёр онаман. Фарзандларимнинг тўйларидан қутилганман. Ўғлим Абдураҳим Ҳаж сафарига бориб келишимга таянч ва ҳамроҳ бўлди. У колхоз қурилиши бошқармасининг кўчма колоннасида бинокор бўлиб ишлайди. Фарзандим мени—яъни ўз онасини рози қилди. Демак, яратган тангри ҳам рози.

Асомхўжа НИЗОМХЎЖАЕВ, Зангиота ноҳияси, Гагарин номли давлат хўжалиги, нафақахўр:

— Беш ўғилни тарбиялаб вояга етказдим. Улар давлат хўжалигида боғбон. Мусулмонлик бурчимни адо этишимда уларнинг мададига таяндим. Маккаи Мадинада бажарган барча ибодатларимни Аллоҳ даргоҳида қабул қилган бўлсин.

Муҳаммадрашид ва Маҳсума ЮНУСОВлар, Сирғали ноҳияси:

— Мен шофёр, рафиқам эса фаррош бўлиб ишлаймиз. Оиламиз билан бундай имкониятга сазовор бўлганлигимиз учун, аввало, Аллоҳга шукрона айтамиз.

Азмиддин НАЗИРОВ, Бўка ноҳияси, «Кремль» давлат хўжалиги фермери:

— Шахсий хўжалигимизда юз қўй ва йигирмата қорамол бор. Давлатга сут ва гўшт топширяпман. Кўрган даромадим Ҳаж сафарига боришда қўл келди. Эришган савобларимиз Ўзбекистондаги ҳамма фуқароларга тегсин.

Абдуҳалил РАСУЛОВ, Юнусобод мавзеси, 5-даҳа, 16-уй:

— Ут ўчирувчи бўлиб ишлаганман. Ҳозир пенсияда бўлишимга қарамай, дурадгорлик қиламан. Ҳаж сафарини адо этганимдан бир умр мамнунман

Улаш ЖАЛИЛОВ, Яккабоғ ноҳияси, хусусий атлас корхонаси раҳбари:

— Корхонамиз ўтган йили 3 миллион 600 минг сўмлик миллий атлас ишлаб чиқарди. Ҳозир мен Туркия ва Саудия Арабистони тадбиркорлари билан амалий ҳамкорлик ишларини бошладим. Унинг баракаси республика мустақиллиги йўлида сарфланади. Мен Ҳожи деган олий номга сазовор бўлган эканман, бундан буён ҳам фақат халқимга ҳалол хизмат қилишга астойдил бел боғладим.

Қодирхон ва Ҳамида РАҲМАТУЛЛАЕВлар, Наманган шаҳри:

— Улуғ Ватан урушининг жуда кўп жангларида қатнашганман. Ҳозирги пайтга келиб, рафиқам билан бу муборак сафарга бориб келишим улуғ иш бўлди. Гуноҳларимиз бўлса, Аллоҳнинг ўзи кечирсин. Бундай кунга етганлигимиздан яратганнинг ўзига шукроналар айтаман.

Тошкент — Жидда йўли улуғ савоб йўли бўлиб қолсин. Ҳаж сафарининг савобларига республикамизнинг барча аҳолиси доҳил бўлсин.

Абдулла ПУЛАТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ГАП ФАҚАТ СОНДАМИ?

ХДП Қизилтепа район кенгашига салкам уч минг нафар партия аъзоси бирлашган. Собиқ КПССда эса аъзолар сони бундан анча оз эди. Бундан районда партияга қабул намунали ташкил этилган экан, деган хулоса чиқмайди албатта. Қолаверса гап фақат ХДПнинг сон жиҳатдан ўсиши хусуда ҳам эмас. Чунки, ҳозирги ўзгаришлар даврида ХДП нуфузи ҳамда мавқеи ҳам партия аъзолари сони билан белгиланмайди. Акс ҳолда КПССнинг бошига етган ҳатолардан бири сон кетидан қувиш, мансаб, лавозим учун партияга кириш одатлари айнан такрорланган бўларди. Мустақил Ўзбекистон, унинг эрксевар халқи учун тўғри йўл кўрсатадиган, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланишига мадад бера оладиган партиягина халқ партияси бўла олади. Хўш, шундай талабга район кенгаши, унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари ҳамда партия аъзолари жавоб бера оладиларми? Ахир ҳозиргача 71 та бошланғич партия ташкилотида 890 нафар ишлаб чиқариш илғори, ташаббускор ёшлар ўз эътиқоди, ишончи билан ХДПга аъзо бўлиб киришган.

Бунинг тасдиғи учун Арабон, Гардиён, Ванғози, Суфиён, Тошрабод қишлоқлари ҳудудий бошланғич ташкилотларида Халқ демократик партиясига янгидан аъзо бўлиб кирувчилар сони ниҳоятда кўплигини айтса бўлади. Чунки биргина Арабонда 240 нафар ХДП аъзоси бор. Яна бошланғич партия ташкилотига ўнлаб шижоаткор ёшлар ариза билан мурожаат қилишган. Айни пайтда улар билан амалий иш олиб борилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бу бошланғич ташкилотларга энг малакали, ишбилармон котиблар ва котиб ўринбосарлари етакчилик қилишяпти. Ана шунинг натижаси бўлса керак тақдирини ХДП билан боғлаётган, унинг Дастури ва Низомига содиқ қолаётганлар муттасил кўпаймоқда. Масалан, меҳнат ветерани Умар Ўринов илгари партияга кирмаганди. Эндиликда у ўз ихтиёр-ишончи билан халқ партиясига аъзо бўлди. Ёки Ихтиёр Маҳмудов, Марат Бигешев, Шарофат Йўлдашева, Нодир Бозоров каби ёш фермер, чўпон, тўқувчи ва ишчиларни оладиган бўлсак, улар ҳам ўз тақдирларини янги партия билан боғлашди.

Шунингдек, район марказий касалхонаси, матлубот жамияти, 118-автокорхона, автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармасидаги бошланғич ташкилотларда ҳам партияга қабул сон ва салмоққа қараб эмас, аксинча сифатга таянган ҳолда, партияга кирувчининг характери, жамоадаги обрўси, ташаббускорлиги ўрганилган ҳолда амалга оширилаяпти. Эрта-индин бу бошланғич ташкилотлар умумий йиғилишларида яна ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари партияга қабул қилинади. Кўп ҳолларда: «ХДПга аъзолик марказнинг кўрсатмаси билан амалга оширилаяпти», «ХДПга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиляпти», деган дашномларни эшитиб қоламиз. Қизилтепалик ХДП аъзолари эса бу сингари ёлғоняшиқларнинг умри қисқа эканлигини яхши билишади. Шунинг учун ҳам улар ўзларини молиявий таъминлаш, иқтисодий қийинчиликлар даврида фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, районда ишсизликни тугатиш учун қўлдан келган ҳамма ишни қилишмоқда.

Бу ўринда ХДП район кенгаши ижроия бюросига уюшган 11 нафар ташкилотчи аъзоларнинг жонкуярлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Айниқса Сайфулла Аҳмедов, Нормурод Исоқов, Муҳаммад Мардонов, Матлуба Бусенова сингари кенгаш аъзолари, халқ ноиблари ишқ таҳсинга лойиқ. Уларнинг ташаббускорлиги билан районда наврўзолди шанбалиги чинакам меҳнат байрамига айланди. Наврўз тантаналари ҳам қарийб бир ҳафта давом этди. Ибратли жиҳати шундаки, районда ногиронларга, боқувчисини йўқотганларга, уруш фахриларига ғамхўрликлар кўрсатилаётганидир. Ана шу мақсадда район ХДП кенгаши ҳузурида «Меҳр-мурувват ва рағбат» ихтиёрий жамғармаси ташкил этилди ва бу жамғармага қисқа вақт ичида 15 минг сўмдан ортиқ маблағ тушди. Бу маблағнинг аксарият қисми кам таъминотли оилаларга, майиб ва ногиронларга берилди. Шунингдек, ёшларни иш билан таъминлаш, айниқса, уйда ўтириб қолган хотин-қизларни фойдали меҳнатга жалб этишда ХДП район кенгаши алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бунга мисол қилиб, «Бўстон» давлат хўжалиги, «Зармитан» жамоа хўжаликларидаги тикувчилик цехларини, жойлардаги гиламчилик ширкатларини кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари ХДП район кенгаши қошида бир қатор тўгараклар, курслар очилиб, ёшларнинг ҳунар ўрганишига кўмаклашилмоқда. Шунингдек, районда ўз фаолиятини бошлаган сандиқсозлик, пойабзал тикиш, кулолчилик, мармарни қайта ишлаш каби 7 та кичик корхона ҳам кенгаш ташаббуси билан амалга оширилди. «Узсельхозхимия» районлараро ишлаб чиқариш бирлашмасида эса полиэтилен ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунга ҳам ХДП район кенгаши бош-қош бўлди.

— Назаримда ХДПнинг вилоят ва район кенгашларидаги амалий ишлар ҳамон сустга ўхшайди, — дейди район кенгаши ижроия бюроси аъзоси Турсун Фатуллаев. — Чунки, маданий-маърифий ишлар билан ёки ҳозирги иқтисодий танглик билан кўпроқ ўралашиб қолмай ижтимоий-сиёсий ишларга ҳам кенг эътибор бермоғимиз керак. Бундан ташқари бизга иқтисодиётга, партиянинг ҳаракат Дастурига оид қўлланмалар ниҳоятда зарур. Иложи бўлса ХДП район кенгашларида иқтисодчи олимлар, фан заҳматкашларининг юзма-юз мулоқотлари суҳбатларини уюштирмоқ вақти келди. Яна бир таклифим партиямизнинг вилоят ва районларда ўз рўзномаларини чиқариш, агар бунинг имконияти бўлмаса жойлардаги рўзномалар саҳифаларида бизларнинг амалий ишларимиз кенг ёритилмоғи лозим.

Дарҳақиқат, Т. Фатуллаев куйинганича бор. Районда Халқ демократик партияси бир қатор хайрли ишларни амалга ошириб, кишиларни тўғри йўлга бошлаяптими, демак ундан амалий кўмакни асло аямаслигимиз шарт.

...Яқинда Қизилтепадан хабар олдик. Район партия кенгашининг биринчи котиби Турсун Фатуллаев район ҳокими этиб тайинланибди. Шу хабарнинг ўзи ҳам районда ХДПнинг ор-ўэтибори ва унга бўлган ишонч ошиб бораётганини кўрсатади. Ҳа, партия ва унинг аъзолари ишчанлиги, ташкилотчилиги ҳақида гап борганида гап сонда эмас, амалий ишларда деймиз.

М. ШАРОПОВ,
Навоий вилояти, Навбаҳор район, Навоий номли колхоз.

Вилоятлардан дараклар

ОЛДИ-БЕРДИ САМАРАСИ

● БУХОРО йўлсозлик лойиҳа-қидирув ва илмий-текшириш олий институти Швециянинг «Динолакс» фирмаси билан ҳамкорлик шартномасини тузди.

Мазкур фирма йўл қурилиш ва лойиҳалаштириш, бунинг учун зарур ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, 126 давлат билан ҳамкорлик қилади. Бухоролик йўлсозлар машҳур хорижий фирма ёрдамида барча иш жараёнларини тўла механизациялаштириш ва автоматлаштириш ниятида. Дастлабки келишувга мувофиқ фирмадан 50 минг сўмга турли диагностика ускуналари харид қилинди. Келгусида эса олди-берди усулида асфальт ётқизиш, тош майдалаш ва бошқа оғир механизмларни сотиб олиш учун имкониятлар изланмоқда.

ЯПОНИЯ ҲАМКОРЛИГИ

● НЕФТЬ ва газ саноати илмий-техника жамияти Бухоро бўлими «Узбекбургаз» трести билан ҳамкорликда «Ниппон-Кока» япон корпорацияси маҳсулотининг кўргазмасини ташкил қилишди.

Японияда келган мутахассислар бухоролик пармаловчилар олдида ўз корпорацияларида ишлаб чиқарилган турли пўлат қувурларни намойиш этишди, уларни ишлатиш бўйича кўпдан-кўп саволларга жавоб беришди. Кўргазмали намойиш бухоролик пармаловчиларнинг Япония фирмаси билан келгуси ҳамкорликларининг дастлабки белгисидир. Трест пармаловчилари қувурлар тақчиллиги шароитида «Ниппон-Кока» корпорацияси билан доимий шерикчилик алоқаларини ўрнатиш тараддудида.

ИСРОФГАРЧИЛИК БЎЛМАЙДИ

● БУХОРОЛИКЛАРНИ сабзавот маҳсулотлари билан таъминловчи Фрунзе номли давлат хўжалигида мавсумга пухта ҳозирлик кўрилди.

Томат пастаси ишлаб чиқариш линияси фойдаланишга топширилди. Бу ерда кунига 35 тонна помидорни қайта ишлаш имконияти бор. Етиштирилган маҳсулотни қайта ишлай олмай, исрофгарчиликдан ҳижолат чекадиган меҳнат аҳли катта ташвишдан халос бўлди. Муҳими, давлат хўжалиги ишчилари янги ишчи ўринлари билан таъминланди. Даромаднинг ҳам қаймоғи энди жамоанинг ихтиёрида қолади.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Туямўйин-Нукус сув қувурининг 2020-кўтарма манзилидаги насос станция обҳаёт бера бошлаганига анча бўлди. Уни Ўзбекистон махсус қурилиш трестининг 93-механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари монтажладилар.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ДАРОМАДГА ЯРАША БУРОМАД

ЕКИ МОЛИЯВИЙ СИЕСАТ ВА ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ ҲАҚИДА

● Сиёсий соҳада мустақилликка эришган давлатимиз иқтисодий (айниқса), молия соҳасида, пул муомаласи ва кредит жабҳасида ҳам мустақилликка эриша оладими?

Иттифоқ давлати мавжуд бўлган даврда халқ хўжалигини марказдан туриб маъмурий-буйруқбозлик усуллари асосида бошқаришга мос молиявий тизим ташкил топган эди. Унда иттифоқдош жумҳуриятлар ўз молия тизимига эга бўлиб, давлат бюджетларини ўзлари тузиб, ўзлари тасдиқ этгандек кўринсалар-да, аслида иқтисодиётнинг ҳар бир модда ва ҳар бир усули марказдан туриб жиддий бошқарилар эди. Шукурлар бўлсинким, тарихда биринчи маротаба Ўзбекистон давлатининг 1992 йил бюджети мустақил равишда тузилди. Солиқлар тизими шакллантирилмоқда, банклар соҳасида муҳим ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

ЛЕКИН натижа қандай? Афсуски, бошқа жумҳуриятларда ва, айниқса, Россияда бўлгани каби молиявий танглик диёримизни ҳам ўз домига тортмоқда. Бундай ҳолат вужудга келишининг бир қанча сабаблари бор. Улар орасида энг биринчиси ва энг асосийси — Россия томонидан бошлаб берилган ва бошқа жумҳуриятлар қатори биз ҳам такрорлашга мажбур бўлган нарх-навони белгилаш соҳасидаги пала-партиш ўзгаришлардир.

«Эркин нарх-навони ташкил этиш, баҳо ва тарифларни эркинлаштириш бозор иқтисодига ўтиш ва кундан-кунга қисқариб бораётган ишлаб чиқариш ҳажмини тиклашнинг асосий ва бирдан-бир чорасидир», — деган мутлақ нотўғри фикр шу ишларга мутасадди кишилар учун асосий ғоя ва биринчи галдаги вазифага айланди. Йил бошида нархлар қўйиб юборилди. Натижада мол ва маҳсулотлар етишмаслигидан азият чекаётган халқ елкасига оғир юк тушди.

Дўкон пештахталари худди кўргазма экспонатларига ўхшаб қолди. Халқ норозилиги кучайди. Ҳолатнинг янада кескинлашуви олдини олиш мақсадида ва иқтисодиётнинг объектив қонунлари тазйиқи остида ҳукматлар раҳбарлари бирин-кетин иш ҳақини ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилишга мажбур бўлдилар. Оширилган маош олган аҳоли дўкон пештахталарида вақтинча пайдо бўлган маҳсулотлар эртага яна йўқолиб қолишидан хавфсираб, бор сармояларини товарга айирбошлашга ҳаракат қилди.

Шу тариқа чет мамлакатлар тарихида юзлаб маротаба такрорланган ва ҳозир ҳам давом этаётган нархнаво билан иш ҳақи ўртасидаги ким ўзарлик ўйини бошланиб кетди. Биздаги бу ўйиннинг чет элдагисидан фарқи шу бўлдики, у ерларда бу ҳолат дўконларда маҳсулотлар тўлиб ётган бир даврда юз берди. Шу сабабли бу ўйин асосан пул қадрсизланишига, яъни инфляцияга олиб келган бўлса, бизда бу ҳолат маҳсулотлар танқислиги билан қўшилиб, биратўла иқтисодий инқирозни, илмий тил билан айтганда, стагнацияни (иқтисодий ҳаётнинг буткул таназзулга учрашини) келтириб чиқарди.

Йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, аввал Иттифоқ таркибида бўлган жумҳуриятлар ва шу жумладан Ўзбекистон ҳудудидаги корхона ва ташкилотлар олган даромадлар олдинги йилдагидан 5—6 баравар кўп бўлгани ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 20—30 фоиз пасайган. Бир қанча корхоналар тўхтаб қолган ва тўхташ арафасида турибди. Иқтисодиёт ҳолатининг асосий кўрсаткичларидан бири — яратилган миллий даромад ҳажми шу давр мобайнида 25—30 фоизга қисқарган.

Ахир, ўзини иқтисод соҳасида озми-кўпми маълумотлиман деган ҳар бир киши бозор иқтисодиёти фақатгина эркин нархларни эмас, биласиз, биринчи галда талаб ва таклиф ўртасида мутаносиблик бўлишини ва талаб-горлар ўртасида бўлгани каби таклифчилар ўртасида ҳам рақобат бўлиши керак-лигини билади-ку! Демак, нарх-навони эркинлаштиришдан аввал, бозорда маҳсулот ҳажмини ва уни ишлаб чиқарувчиларни кўпайтириш керак эди.

Афсуски, эркин ёки келишилган нархларнинг жорий этилиши билан корхона ва ташкилотлар моддий-техникавий таъминоти ислоҳот асосчилари ўйлаганидек яхшиланиш ўрнига янада ёмонлашди. Айниқса, бошқа ўлкалардан олиб келинувчи хом ашё ва маҳсулотлар бўйича таъминот ёмонлашди. Ишлаш учун хом ашё бўлмагани сабабли кўплаб корхоналар бекор туриб қолмоқда. Шу сабабдан бўлса керак, айрим маълумотларга қараганда, жумҳуриятимиз ҳудудида зарар кўриб ишловчи корхоналар сони кўпайиб бормоқда.

ХОЗИРГИ кунда жумҳуриятда на маҳсулотлар таннархи устидан, на рента беллик даражаси ва на фойда миқдори устидан назорат олиб бориляпти. Оқибатда корхоналар ўзларининг танҳо ҳукмронлик (монопол) ҳолатларидан келиб чиқиб, маҳсулотларга хоҳлаган нархни қўйиб сотмоқдалар. Натижада айрим маҳсулотлар бўйича таннарх 10—15 баробар ошгани ҳолда, олинаётган фойда миқдори 30—40 ва ҳатто ундан кўп маротаба ортиб кетмоқда. Бу билан биз бозор иқтисодиётини эмас, балки маҳсулот сотувчилар мутлақ ҳукмронлигини шакллантираётганимиз йўқмикин?

Иқтисодиёт режа асосида бошқарилган даврда сотувчи ва олувчи ўртасида муносабат ва айниқса маҳсулот баҳосини белгилашдаги муносабат давлат органлари томонидан бир қадар бўлса-да, истеъмолчининг манфаатларини кўзлаган ҳолда бошқариб турилар эди. Эндиликда эркин нархларга ўтиш оқибатида истеъмолчини мана шу «бир қадар» ҳимояловчи давлат функциялари ҳам тугатиб юборилди. Лекин ўрнига монополияларга қарши турувчи бирор бир орган тузилганича йўқ. Ахир корхона бир вақтнинг ўзида сотувчи эмас, балки кимдандир маҳсулот сотиб олувчи ҳам эканлигини ва шу сабабли бу баҳолар ўйини охир-оқибатда ҳамма учун ютқазиш эканлигини тушуниш қийин эмас.

Ўз ишига масъул ҳар бир ҳукумат иқтисодий инқироз юз бераётган даврда, айниқса, пул қадрсизланиши кучайиб бораётган даврда аҳволни ҳар қандай йўл билан бўлса-да назорат қилишга интилади. Биз эса ҳар галгидек яхши ва ёмонни мутлақлаштиришга берилиб кетиб, маъмурий назоратдан бутунлай воз кечиб юбордик. Натижада иқтисодиёт тизгинини тобора қўлдан чиқариб юборяпмиз.

Пул муомаласи соҳасидаги аҳвол Гражданлар уруши давридаги ҳолатни эслатади: ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб бориши ва маҳсулот камёблиги кучайиши билан бир пайтда муомаладаги пул-сулотлар сотилишида тўсқинликлар пайдо бўлмоқда. Бу ўз навбатида корхоналар даромад олишига ва унинг бир қисмини бюджетга солиқ сифатида тўлашга йўл қўймаяпти. Бюджет миқдори режадагидан ошиб кетмоқда.

Кўпгина иқтисодчи олимлар ва амалиётчилар давлатимиздаги молиявий ҳолатнинг ёмонлашуви сабабини асосан янги солиқлар тизимининг яратилиши, солиқлар юқорилиги ва пировард натижада корхоналарнинг молиявий ҳолати ёмонлашаётгани билан тушунтирмоқчи бўладилар. Бу фикрларда бир қадар тўғри мантиқ борлигини эътироф этган ҳолда, молиявий инқироз кучайишига асосий сабаб янги солиқлар эмас, деб таъкидлашга тўғри келади. Чунки, давлатимиз бюджети даромадларининг асосий қисмини ташкил этувчи қўшимча қиймат солиғи, ташқарига чиқарилган маҳсулотлардан солиқ ва акция солиқлари моҳиятлари жиҳатидан эгри солиқлар бўлиб, улар корхона-ташкилотлар даромадларидан тўланмайди. Аксинча сотилаётган маҳсулот баҳосига қўшимча сифатида вужудга келади.

Сиртдан қараганда, уларни сотувчилар тўлаётгандек, бўлиб кўринса-да, аслида бу солиқларнинг ҳақиқий тўловчилари истеъмолчилар, нинг ҳажми ва баҳолар узлуксиз ошиб бориши кузатилмоқда. Аҳвол шу даражага бориб етмоқдаки, эндиликда пул ҳам камёб бўлиб қолмоқда. Ўтган йили асосан нақд пул бўйича, яъни аҳолига иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича муносабатларда пул танқислиги сезилган бўлса, бу йил нархларнинг барча турлари бўйича кескин кўтарилишлар юз берганлиги сабабли танқислик эндиликда корхона, ташкилотлар ўртасида олиб борилувчи нақд пулсиз ҳисобкитобларда ҳам сезилмоқда.

Корхоналарда оборот маблағларини молиялаштиришда вужудга келувчи етишмовчиликлар сабабли, тармоқлар ўртасидаги тўлаш муддати ўтиб кетган (дебитор) қарзлар миқдори миллиардлаб сўмни ташкил қилмоқда. Натижада тайёр маҳсулотлар сотилишида тўсқинликлар пайдо бўлмоқда. Бу ўз навбатида корхоналар даромад олишига ва унинг бир қисмини бюджетга солиқ сифатида тўлашга йўл қўймаяпти. Бюджет миқдори режадагидан ошиб кетмоқда.

Кўпгина иқтисодчи олимлар ва амалиётчилар давлатимиздаги молиявий ҳолатнинг ёмонлашуви сабабини асосан янги солиқлар тизимининг яратилиши, солиқлар юқорилиги ва пировард натижада корхоналарнинг молиявий ҳолати ёмонлашаётгани билан тушунтирмоқчи бўладилар. Бу фикрларда бир қадар тўғри мантиқ борлигини эътироф этган ҳолда, молиявий инқироз кучайишига асосий сабаб янги солиқлар эмас, деб таъкидлашга тўғри келади. Чунки, давлатимиз бюджети даромадларининг асосий қисмини ташкил этувчи қўшимча қиймат солиғи, ташқарига чиқарилган маҳсулотлардан солиқ ва акция солиқлари моҳиятлари жиҳатидан эгри солиқлар бўлиб, улар корхона-ташкилотлар даромадларидан тўланмайди. Аксинча сотилаётган маҳсулот баҳосига қўшимча сифатида вужудга келади.

Сиртдан қараганда, уларни сотувчилар тўлаётгандек, бўлиб кўринса-да, аслида бу солиқларнинг ҳақиқий тўловчилари истеъмолчилар, яъни аҳолидир. Шунга кўра, бу солиқлар жаҳондаги барча мамлакатлар молия системаларида «эгри солиқлар» деб юритилади. Корхона даромадларидан олинаётган солиқ эса ўрта ҳисобда 18 фоизни ташкил этаётир холос. Бу аввалги вақтларда бюджетларга корхоналар даромадларидан ҳар хил йўллар билан йўналтирилган тўловлар миқдоридан катта фарқ қилмайди.

ХОЗИРГИ кунда солиқлар тизимини қанчалик такомиллаштирмайлик, бюджетдаги камомад муаммосини ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун бюджет харажат қисмини қайтадан кўриб чиқиш ва ҳаттоки нечоғлик оғир бўлмасин, ижтимоий харажатларга сарфланаётган қисмини ҳам кўриб чиқиш керак бўлади. Чунки ҳар қандай давлат бюджет маблағларини эҳтиёжга яраша харажатлаш принципидан воз кечиб, даромадларига яраша харажатлашга ўтмас экан, молиявий инқирозни тўхтатиб бўлмайди. Бюджетдаги камомадни Иттифоқ тузуми даврида кенг қўлланилган банк кредити ёрдамида қоплаш сиёсатини давом эттириш эса пул қадрсизланишини янада чуқурлаштирибгина қолмай, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган молиявий ислоҳотларга ҳам тўсиқ бўлади.

Моливий маблағлар етишмаяпти деймизу, лекин улар қаерга кетаётгани ҳақида бош қотирмаймиз. Ахир улар буткул йўқ бўлиб кетаётгани йўқ. Фақат молия-пул муомаласи ва кредит соҳасидаги бошқарувсизлик натижасида, ислоҳот ўтказишнинг дастури йўқлиги оқибатида аҳоли табақалари ўртасида қайтадан тақсимланмоқда. Молия маблағлари аҳоли учун ҳам, давлат учун ҳам хизмат қилмаётир. Оқибатда жамиятда табақаланиш кучайиб кетмоқда. Бир томонда ўзларини «тадбиркорлар» деб атовчи учар ва юлғичлар ҳар қандай — қонуний-ноқонуний йўллар билан чўнтакларини қаппайтирмоқдалар. Иккинчи томондан эса аҳолининг кўпчилик қисми камбағаллашиб бормоқда.

Бу ҳолат айниқса пенсионерлар, кўп болалик оилалар ва студент-ёшлар ўртасида кенг тарқалмоқда. Халқ бу даврни «олиб сотарлар», «муттаҳамлар» даври деб бежиз айтаётгани йўқ. Бунинг асосий сабаби жамиятда бозор иқтисодиёти шароитлари барпо этилаётган бир пайтда унга мос келувчи давлат молия назоратини ўрнатиш бутунлай унутиб қўйилганидадир.

Масаланинг энг чигал томони шундаки, молия, пул муомаласи ва кредит соҳасида аввал Иттифоқ таркибида бўлган жумҳуриятлар ўртасида ўзаро келишилмаган сиёсат олиб борилмоқда. Ваҳолонки, уларнинг ҳаммаси ягона пул бирлигидан фойдаланадилар.

Натижада, ҳоҳлаймизми-йўқми, бошқа жумҳуриятларда бу соҳада олиб борилаётган сиёсат бизга ҳам таъсир кучини ўтказмоқда. Айниқса, Россия ҳукуматининг пул-кредит ва нарх-наво соҳасидаги сиёсати бошқа жумҳуриятларга ҳам қаттиқ таъсир қилмоқда. Уларни бундай сиёсатга яраша ўз сиёсатларини олиб боришга мажбур этмоқда. Бу ҳол бозор иқтисодиётининг асоси бўлмиш молия ва пул муомаласи сиёсатида жумҳуриятимиз ҳали мустақил эмаслигини кўрсатади.

Афсуски, СССР давлат сифатида тугатилганидан сўнг ўзини мустақил деб эълон қилган жумҳуриятлар сингари Ўзбекистонда ҳам бу муаммога тегишли эътибор берилмаяпти.

Давлатимизнинг молия, пул муомаласи, кредит, нархларни белгилаш, бюджет ва солиқ сиёсатларида амалга оширилиши керак бўлган муҳим чора ва тадбирларнинг асосий йўналишлари ва комплекс дастури пухта тузиб чиқилмас экан, Ўзбекистон сиёсий жиҳатдан мустақил, лекин иқтисодий жиҳатдан ўзгаларга қарам, мустақиллиги чала-ярим давлат бўлиб қолаверади.

● Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда давлатимизнинг тўлиқ мустақилликка эришиши йўлидаги асосий ҳаракатимиз молия-пул муомаласи ва кредит соҳасида жумҳуриятнинг ягона дастурини яратишга қаратилган бўлиши керак. Таъкидлаш лозимки, у юқорида баён қилинган соҳаларнинг ҳаммасини ўзида тўлиқ мужассамлантирган дастур бўлиши керак. Акс ҳолда, илгари киритилган эски тўнга янги ямоқ солиш принципи бизни яна боши берк кўчага олиб киради. Мустақиллик йўлида бошланган иш у қанчалик мураккаб ва қийин бўлмасин, албатта ниҳоясига етказилиши керак.

З. АБДУЛЛАЕВ,
республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон тараққиёт истиқболини белгилаш комитети бўлим бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

ТАРИХИЙ БИТИМ

● Вашингтонда АҚШ Президенти Жорж Буш билан Россия Президенти Борис Ельцин ўртасида ўтказилган музокараларда стратегик ядро қуролларини яна кўп миқдорда қисқартириш ҳақида тарихий битимга эришилди.

«Энди, — деди шу муносабат билан Жорж Буш, — стратегик ҳужум қуролларига оид шартномада белгиланган даражадан ҳам кўпроқ миқдордаги шундай қуроллар қисқартириладиган бўлди. Биз дунёдаги энг хавфли қуроллар — оғир қитъалараро баллистик ракеталарни ва каллак қисмлари ажралиб учадиган бошқа ҳамма қитъалараро баллистик ракеталарни йўқ қилиб ташлаш ҳақида, шунингдек, стратегик ядро қуролларимизнинг умумий сонини тубдан қисқартириш тўғрисида келишиб олдик. Бу иш икки босқичда ўтказилиб, у 2003 йилдан кечикмай тугалланади».

Битимга мувофиқ иккала мамлакат аслаҳахоналаридаги портловчи каллаклар жами 21 мингтадан 6—7 мингтагача камайтирилади.

НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ

Россия ва Украина Президентлари — Борис Ельцин билан Леонид Кравчук шу йил 23 июнда Дагомисда учрашишга келишиб олдилар. Ҳозир Кравчук Францияда расмий ташриф билан юрибди.

ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

● Озарбайжон Президенти Абулфаз Элчибей республика Миллий мажлисида давлат бошлиғи сифатида қасамёд қилдирилди.

У шу йил 7 июнда ўтказилган умумхалқ сайловида ғалаба қозонган эди. Закавказье мусулмонлари диний бошқармасининг раиси Оллошукур Пошшозода ва рус православ черковнинг протоиерейи Георгий ота уни юксак давлат лавозими билан қутладилар.

РАЁСАТНИНГ ҚАРОРИ

● Тожикистон Олий Кенгашининг Раёсати Душанбе шаҳрининг собиқ мэри Мақсуд Икромовни беш кунлик муддатга қамоқдан озод қилиш тўғрисида қарор чиқарди.

У порахўрликда ва хизмат вазифасини суиистеъмол қилганликда айбланган эди. Аммо мухолифият арбоблари Мақсуд Икромов сиёсий сабабларга кўра ҳибсга олинган, деб баёнот бердилар.

Олий Кенгаш Раёсати, агар унинг бу қарори бажарилмайдиган бўлса, республиканинг бош прокурори Нурулло Ҳувайдуллоев эгаллаб турган вазифасидан олиб ташлашини билдирди.

НАЖИБУЛЛОНИНГ ТАҚДИРИ НИМА БЎЛАДИ?

● Афғонистон мужоҳидлари ўтмиш кенгашининг раиси мамлакатда умумий авф эълон қилган эди.

Ҳозир Афғонистоннинг баъзи раҳбарлари бу умумий авф собиқ Президент Нажибуллога татбиқ қилинмаслиги лозим, деб ҳисобламоқдалар. Улар Нажибуллони «афғон халқига қарши жиноятлари учун» судга бериш керак, деб талаб этяптилар.

ҲАЛОКАТ САБАБЛАРИ ТЕКШИРИЛМОҚДА

● Қувайт ҳудудини миналардан тозалашда иштирок этаётган кишилардан беш нафари ҳалок бўлди.

Уларнинг бири инглиз бўлиб, қолган тўрт киши ҳиндлардир. Мутахассислар уларнинг ҳалокатига миналарни тозалаш ишлари сабабчи эмас, деган фикрни билдирмоқдалар. Ҳозир текшириш олиб бориляпти.

ҚАЙДАСАН ҚРИМ?

Кавказлик савдогарлар Донецк бозорларидан қувиб чиқарилгандан сўнг ғалати воқеалар содир бўлди.

Украина телевидениесининг хабарига қараганда, минг нафардан зиёд маҳаллий фоҳишалар кўч-кўронларини кўтариб, денгиз сари, Қримга қараб йўл олдилар.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларнинг материаллари асосида тайёрланди).

Кўпчилик манфаати йўлида

Фарғона водийсида сўнгги кунларда Бағдод райони ҳақида илиқ сўзларни эшитиш мумкин. Албатта, унинг боиси район ҳокимиятининг халқ билан ҳамнафас бўлиб, кўпчиликни дардини ўзининг дарди деб билганлигидир. Оддий бир мисол. Сиз бозордан 50 сўмга бир кило гўшт олганмисиз? Шу кунларда қўлда сўйилган гўштнинг нархи ўзингизга маълум. Район ҳокими Абдуқаҳҳор Абдусамадов яхши ишга қўл урди, Район ўзига хос яна битта бозорча ташкил қилди. Бу бозорчада маҳаллий аҳоли арзон нархда мева-чева, гўшт маҳсулотлари ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишлари мумкин.

— Ишлагандан кейин яхшироқ тақдирланиш ҳам керакда, — дейди А. Абдусамадов. — Яқинда пилла планини вилоятда биринчилардан бўлиб уддалаганлигимиз ўзимизни ҳам қувонтирди. Шунга яраша ҳар бир хўжаликдан энг илғорлик қилган пиллакорларга бепул гиламлар ва қимматбаҳо мукофотлар тортиқ қилинди.

Ҳозир пахтакорлар ғўзага учинчи марта ўғит беришмоқда. Суғориш ишлари ҳам кўнгилдагидек йўлга қўйилди. Далалардаги ғўза кўчатларини бир текислигини кўриб ҳавасинг келади. Юқоридаги суратда ҳоким Абдуқаҳҳор Абдусамадов Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг сувчиси Иброҳимжон Ҳусанов билан даладаги ишлар хусусида суҳбатлашаётганини кўриб турибсиз. Ҳа, у одам доимо меҳнаткашлар билан бирга экан, бу меҳнаткашлар бахти десак ҳақлимиз.

Шу ўринда район ҳудудида ташкил этилган консерва заводи, гилам тўқиш пехи, 102 та турли хил пулли хизмат кўрсатувчи — аҳолини оғирини енгиллатувчи кичик корхоналару, шохобчалар фаолият кўрсатаётганини таъкидлаш мумкин. Кўриниб турибдики, кўпчилик манфаати йўлида қилинаётган ишлар яхши самара беряпти.

Ғ. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Муаллиф олган сурат.

• ОДДИЙ ОДАМ ОЛАМИ

ИЖАРАЧИ МАМАТРАҲИМ АКА АЙТАДИ:

«ТИЖОРАТ ИШИ— БОТИРНИНГ ИШИ»

Қумқўрғоннинг «Қизил Октябрь» жамоа хўжалигида Бўриев Маматраҳим деган одам бор. «Ўзи чирикроқ (майдароқ демоқчи) бўлгани билан тили бир қулоч. Гапидан чақмоқ чақнайди», дейишади одамлар у ҳақда. Бир гаплашиб кўрсангиз бас, бу таърифнинг тўғрилигига ишонасиз-қўясиз. Дуч келган одамни ушлаб олиб, маҳмадоналик қилаверар эканда, деб ўйламанг тағин. Масалан, хўжаликнинг идорасига келса, фақат раис билан гаплашади. Раис бобо арзимни тингласангиз, гапирсам, деб қаддини дол қилиб ўтирмайди. Тўрдаги ўриндиқлардан бирига чўкар-чўкмас, белига маҳкам боғланган белбоғи орасидан бош бармоқларичи ўтказиб олган кўйи ўктам оҳангда гапира бошлайди. Масалан, раис, менинг ихтиёримга битта юк машинасини, иккита тракторни берасиз. Майли, сотинг, оламан, дейди.

— Сотиб олишга пулингиз етармикан, — дейди раис ярим ҳазил, ярим чин маънода.

— Сотинг, оламан, — дейди Маматраҳим ака шашти яна кўтарилгандай бўлиб. — Ҳали трактор экану, ўша бобом замонидан қолган фермани сотинг — оламан.

Раис кулади. Маматраҳим ака билан ўрлашишдан, тортишиб қолишдан наф топмаслигини яхши билади. Раис ҳам пухта йигит. Унчамунча вазиятни кулиб юмшатади. Хўп, ўйлашиб кўрамиз, дейди. Шундай қилгани ўзига яхши-да. Ундан нима кетди.

Энди боя айтилган «бобом замонидан қолган ферма» деган гапга изоҳ бериб ўтсак:

Маматраҳим ака — чорвадор одам. Неча йиллар ферма мудири, зоотехник бўлиб ишлади. Бирон кўнглига яқин мухбирни кўриб қолса, шу колхозда ишлагаанимга эллик тўрт йил бўлипти. Безпрогул, безотпуска ишлаганман. Энди қариётганимда шу хизматларим инобатга олинармикан, деб қолади. Лекин ўзлари «калхўз» тартиботини хуш кўрмасди. Ҳов бундан йигирма йилча бурун эди, каттакон бир мажлисни ўтказаётган каттакон бир раҳбор столни муштлаб «эй, сен, Бўрийип, тўхум тайёрруҳ кўрганларини якун қиляпти. Шунга...

— Оператив группа деймиз, ўзаро текшириш, деймиз, кунимиз тўғриси, ишламасдан катта кузатишу меҳмон кузатиш билан ўтаяпти, раис, — деди Бўриев ҳам посангига келмай. Калхўз шундай бўладиган бўлса, бундай калхўзнинг кераги йўқ. Мулк колхозники деймизу, ҳа, десангиз бас, лаш пилонини бажармадинг, жамоа чорвасини адо қилдинг, нобуд қилдинг. Чиқ, кет, хонадан чиқиб кет, сен хулиган» деб зуғум қилганди.

Бўриевга ёши ўзидан кичик каттаконнинг «сен»сираши, кўпнинг ўртасида «хулиган» деб сўккани, изза қилмоқчи бўлгани ўтиб кетди. Шартта ўрнидан турди. Жамоа чорвасини мен эмас, сен нобуд қилаяпсан, деди. Мана шу мажлисдан кейинги зиёфатни айтмайин. Машинанинг юкхонасига уйингга олиб кетишинг учун битта қўйни, ўнта товуқни сўйиб жойлаб қўйипмиз, деди.

Бўриевнинг ёнида худди осмондан тушгандай раис пайдо бўлди. «Раҳбар бўлгандан сўнг гапиради-да. Кўнглингизга олманг. Оғир бўлинг», деди. Койиса, нима, тахтингиздан тушиб қоляпсизми? Бугун оператив гу-қўйни бир бошидан босиб сўяверамиз. Бу кетишда жамоанинг чорваси ривожланадими? Мол жамоаники бўлмасдан, ўзимники — шахсий мулким бўлсин, қани, молга бугунгидай оператив гуруҳни даритиб бўпман. Бирон каттага текиндан-текинга қўй бериб бўпман. Э, раис, жамоанинг мулки шу зайилда ҳомталаш бўлаверса, бундай жамоа йитиб кетади. Кўрасиз ҳали...

Хуллас, ферма мудири-ю зоотехник бўлиб ишлаб келган одам бир кун келиб раҳбарликдан воз кечди. Хўжаликнинг эски подахонасини ижарага олди. Раис биз сизга мол бермаймиз, сиз ўзингиз молни бозордан сотиб олиб қўпайтирасиз, деганда Бўриев бўпди, деди. Бўриевнинг ҳамиша ҳам бозордан барори бор. Молни танийди. Касал мол билан соғлом молни ажрата билади. Ҳеч бўлмаганда молнинг қандайлигини уни бозорга солган эгасининг кўзига қараб айтиб бера олади.

Бир гал шундай бўлди: Бўриев даллолга ҳов чарм камзул кийган жигит ушлаб турган сигир — ўғирланган сигир, деди. Даллол кулди. Кароматингиздан ўргилай, буни қаёқдан билдингиз, деди.

— Ишонмасангиз, борингда нархини бичинг, — деди Бўриев. — Беш юз сўмга сўранг (ўшанда мол арзон замонлар эди) у етти юз сўм дейди. Сиз изингизга қайтинг, қайта туриб, яна йигирма сўмга чиқинг. Жигит шу сигирдан қутилганига вақти хуш, хўп, олинг, дейди.

Даллол Бўриевнинг айтганини қилди. Гап худди Бўриевнинг айтганидай бўлиб чиқди. Фақат сигирни олишга Бўриевнинг кўнгли чопмади. Нақд минг сўм фойда қилиб турганини билса ҳам, олмади. Подага ўғирланган мол аралашиб қолишини ирим билди.

Хуллас, Бўриев бозордан қолмайди. Кўп ҳолларда бомдод номозини бозордан қайтиб келиб ўқийди. Унчамунча пулнинг юзига қарамайди. Бир куни эллик минг сўм фойда топса, хурсанд бўлмаганидек, эллик минг зиён кўрганда ҳафа бўлиб ҳам ўтирмайди. Бозор — таваккалчининг иши. Тирикчиликнинг ўзи таваккалчилик.

Хуллас, Бўриев — ижарачи чорвадор. Ижаралари аслида ўғлининг — Эркиннинг номида. «Мен ўғлимнинг муовиниман, — дейди кулиб Маматраҳим ака. — Унга бозордан қўрқмасликни ўргатяпман. Ўргатиш биздан — фарз».

Энди ижарадор бўлиб уларнинг нима ишлар қилишаётганини сўранг: Ҳозир 341 бош қорамол боқишяпти. Ўтган йили 400 минг сўм харажатнинг эвазига 529 минг сўм даромад ишлашди. Бу йил 60 тоннага яқин тўшт етиштиришмоқчи. 900 минг сўм даромад олишмоқчи (фермани сотиб оламан, деган гапи беҳудага эмас-да). 10 киши ишлашади. Ҳаммалари қавм-қариндош. Ҳеч кимга — на жамоа хўжалигига, на ҳов илгаригидай оператив гуруҳларга, на текширувчиларга оғирлари тушади. Ташвиш ўзларининки, ташвишнинг ҳузур-ҳаловати — ўзларининки. Меҳнатларининг бир чеккасидан эл манфаатдор, шу эл ўзларининки.

Маматраҳим ака олтмиш тўққизга кирди. Тилим аччиқ бўлгани билан худога миннат бўлмасинки, иймонда маҳкамман, дейди. Рамазони Шариф ойлари мен рўзадорман, деб уйда ёнбошлаб ётмайди. «Волга»нинг белига миниб олади-да, тижорат ишлари билан шуғулланади. Икки кун туз тотмайин юрагим озмайди, чарчамайман, дейди у ҳар бир сўзни қарсиллатиб талаффуз қилиб.

Мол тўла қўраси бут, ҳовли-жойи бут, тирикчиликдан ёлчиган, ризқ-насибаси бут чолнинг бу мақтаниши ўзига ярашиб туради.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ЎЗГАРИШЛАР ЙЎЛИ

ЯНГИ КУН ТАЛАБЛАРИ

Ҳозирги олий таълим тизими шундай ташкил этилганки, у жамиятда бўлаётган ўзгаришларга нисбатан қотиб қолган. Уни янги кун талабига мос равишда тезлик билан ўзгартириш, такомиллаштириш анча мураккаб. Ўқиш муддати ҳамма олий ўқув юртларида бир хил. Ўқув режалари эса йиллар давомида кам ўзгаради. Олий мактабларнинг моддий-техника базаси ҳам давр талабидан орқада. Бу ва бошқа сабаблар ўз навбатида юқори малакали мутахассислар тайёрлашга сарфланаётган харажатларни оқлай олмайди. Студентлар билимини баҳолашда беш баллик, аслида тўрт баллик система «ўз умрини яшаб бўлди». Аввало: «2» билан «3», «3» билан «4», «4» билан «5» баҳолари оралиғидаги билимларни баҳолаш имконияти йўқ. Қолаверса, фанлар бўйича баҳолаш мезонлари ҳар хил. Оқибатда студентларнинг умумий билимдонлигини солиштириш имконияти йўқ ҳисоб. Олий ўқув юртлари томонидан бериладиган дипломлар битирувчи мутахассиснинг билимига мос эмас. Жойларда ишга киришда бир хил кучга эга. Фақат «уч» баҳо билан ўқиган студент ҳам, «4» ва «5» билан битирган талаба ҳам бир хил диплом билан иш жойига юборилади. Ишга қабул қилинаётганларида улар «тенглашиб» қоладилар, аксарият ҳолларда эса бир хил лавозимда ва бир хил ойлик иш ҳақи билан меҳнат фаолиятини бошлайдилар. Бу ўз навбатида студентлар орасидаги кўпчиликнинг фақат имтиҳон сессиясини бир амаллаб топширишга одатлантиради. Билим олишга бўлган иштиёқининг йўқолишига олиб келади. Ўқиш жараёнида ёшлар ўртасидаги табиий «ким ўзарлик» мусобақаси йўқ деса бўлади.

Университет таълимида бўладиган тубдан ўзгариш шундай бўлиши керакки, ўқиш ҳар кимнинг имконияти ва қобилиятига мос бўлсин, шахснинг ўз малакасини оширишга ёрдам берсин. Бозор иқтисодиётини қондирадиган турли касб тайёргарлигини олиш имкониятини яратсин. Мустақил ижодий ишлаш қобилиятини ўстирсин ва такомиллаштирсин. Ривожланган мамлакатларда университет таълимига бўлган эътибор кучайиб бормоқда.

Жаҳонда университет таълимининг бир неча кўриниши мавжуд. Жумладан, Олмонияда университет таълими ўқув жараёнининг илмий-текшириш ишлари билан ҳамкорлиги асосида ташкил этилган. Университет домлалари илмий ходимлар, фан арболари бўлгани учун талабалар ҳам илмий ходим ҳисобланади. Шу боис бу «илмий-текшириш модели» дейилади. Франция университетидаги таълимни «Наполеон модели» дейилади. Бу моделга кўра, университет таълими қатъиян давлатга буйсунади ва асосан, илмий кадрлар тайёрланади. Илмий ишларнинг аксарияти университетлардан ташқари муассасаларда олиб борилади. Шунинг учун буни «ўргатувчи модел» дейишади. Буюк Британия ва АҚШда бутун ҳаракат ўқув жараёнини индивидуаллаштиришга қаратилган. Университетларда таълим таркибини ўзгартириш ва бошқарув анча енгил. Бу шаклдаги таълимни «шахсиятлик модели» дейишади. Умуман, мамлакатларда ҳозирги кунда олий таълимни қайта қуришнинг турли қирраларидан фойдаланишга ҳаракат қилиняпти.

Тошкент Давлат университетида бундай тажрибалардан фойдаланган ҳолда таълимнинг янги тизими ишлаб чиқилди. Буни 1992—1993 ўқув йилидан бошлаб билимни Рейтинг системасидан фойдаланган ҳолда баҳолаб кўп босқичли таълим тизимига ўтиш туфайлигина амалга ошириш мумкин.

Рейтинг ўзи нима? Бу якка ва умумлаштирувчи баҳо бўлиб, бутун ўқув жараёнида студент тўплаган баллар сонидир. Рейтингдан фойдаланиш талабани бир маромда кундалик ишларни ўз вақтида бажаришга ўрганади. Имтиҳон топширишдаги айрим тушунмовчилик, кутилмаган ҳодисалар таъсирини камайтиради. Ўқиш даврида ўзаро мусобақадошликни оширади. Таниш-билишчиликка чек қўяди. Билимни аниқ баҳолашда, кейинги босқичларда ўқийдиган номзодларни аниқлашда, шубҳасиз, мезон бўлади. Тошкент Давлат университетида таклиф этилган янги уч босқичли таълим тизими тўрт бўғиндан иборат. Биринчи бўғинда ўқиш муддати икки йил. Бу даврда умумтаълим ва гуманитар фанлардан таълим берилади. Икки йиллик ўқиш давомида студентнинг асосий фанлардан рейтинги аниқланади. Агар студент тўплаган баллар сони, яъни рейтинг сони етарли ёки юқори бўлса, иккинчи бўғинда таҳсил олишга рухсат этилади. Кам бўлса, унга икки йилликни, яъни бошланғич олий таълимни битирганлиги ҳақида сертификат (гувоҳнома) берилади. Бундай студентда иккинчи бўғинда ўқиш имконияти бўлмайди. У касбга тайёрлаш бўйича бошқа бир-икки йиллик ўқув юртига ёки ўқув бўлимига бориб, кичик мутахассислик дипломини олиши ёки тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш корхоналарига ишга жойлашиши мумкин.

Иккинчи бўғинда ҳам ўқиш муддати икки йил. Бунда студентлар билимларини кенгайтириш, бойитиш ва чуқурлаштиришни кўзда тутувчи гуманитар, умумтаълим ва мутахассислик фанларидан таҳсил оладилар. Бу бўғинни муваффақиятли тугатганлар таянч олий таълимга эга бўладилар. Уларга фан бакалаври дипломи берилади. Улар олий таълим талаб этиладиган барча лавозимларда ишлашлари мумкин. Одатдаги беш йиллик ўқув муддати диплом иши ҳимояси билан тугарди. Янги тўрт йиллик ўқиш планига кўра битирувчилар давлат имтиҳонлари топшириб, курс ишларини бажарадилар ва ҳимоя қиладилар. Факультет илмий кенгаши рейтинги юқори бўлган студентларнигина кейинги босқичга — магистратурада ўқишни давом эттиришга тавсия этади. Рейтинги етарли бўлган студентлар халқ хўжалиги тармоқларига ишга юборилади. Жойларда юқори малакали ихтисослик бўйича мутахассис керак бўлса, корхона ва университет ўртасида тузилган икки томонлама шартнома асосида бакалавр магистратурада ўқишни давом эттириш имкониятига эга бўлади. Магистратурада ўқиш учун ҳозирча рейтинги кам бўлган студентлар ишлаб чиқариш тармоқларига ишга юборилади. Шу йўсинда студентлар тўрт йил давомида икки босқичли университет таълимининг биринчи босқичини муваффақиятли тугатсалар, таянч олий таълимга эга бўлиб, фан бакалаври дипломини оладилар.

Университет таълимининг иккинчи босқичи — магистратурада ўқиш муддати икки йил. Бу даврда фан бакалаврлари гуманитар фанлар билан бир қаторда илмий ходим ва ихтисослик программаси бўйича таҳсил оладилар. Улар илмий ишларини мустақил олиб борадилар ва уни илмий кенгашда ҳимоя қиладилар. Рейтинги юқори бўлган студентлар тўла олий маълумотли бўладилар ва уларга фан магистри илмий даражаси берилади. Рейтинги етарли бўлган, лекин магистратурани ўз илмий ишини ҳимоя қилмасдан битирган студентларга ҳам тўла олий маълумотли деган диплом берилади.

Кўп босқичли ўқиш тизимининг афзаллиги шундаки, унинг ҳар бир бўғинида ишлаб чиқаришдан ёки соҳадан келган ва юқори бўғинда (яъни юқорироқ даражали дипломга эга бўлиш учун) ўқишни хоҳловчилар синовда қатнашиб, танловдан ўтишлари мумкин. Шунингдек, бошқа университетни ёки кўп босқичли системага ўтмаган бошқа институтларни битирувчилар ўша олийгоҳ тавсиясига биноан ТошДУ магистратурасида ўқиш учун синовда қатнашиши мумкин. ТошДУнинг биринчи босқичини битириб, ишлаб чиқаришда тажриба орттириб, магистратурада ўқишни хоҳловчи бакалавр унвонига эга бўлган ёшлар ҳам тегишли синовдан ўтиб магистратурада ўқиши мумкин. Демак, касб танлашда адашган ёки иккиланиб ўқиётган ёшлар учун қобилиятларига қараб ҳаётда ўз ўринларини аниқроқ топиш имконияти яратиляпти.

Ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида педагог кадрларни тайёрлашга бўлган эътибор ортиб бораяпти. Бу борада республикамиз университетларида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилган. Хусусан, ТошДУда фан ўқитиш методикаси бўйича махсус кафедралар очилган. Бошқа университетларда эса масалан, педагогик факультетлар ёки педагогик бўлимлар очилиши мумкин. Қандай бўлишидан қатъи назар бозор иқтисодига кўра университетни битирувчилар билан педагогик институтларни тугатувчилар орасида рақобат бўлиши табиий.

Университетларда педагоглар тайёрлаш ҳақида гап борганда «университетни педагогик институтга айланириш керакмас» деган лўқмани ҳам эшитамиз. Мақсадни ойдинлаштириш пайти келди, деб ўйлаймиз. Университетларда ўқув жараёнининг илмий ишлар билан ҳамжиҳатлиги, бир-бирини тўлдириши педагогика институтларига нисбатан юқори савияда олиб борилади. Шунинг учун ҳам университет студентлари илмий-ижодий фикр юритишга ўрганадилар. Эндиликда айрим педагогика институтлари асосида янги университетлар ташкил этилдики, улар жойларда фан ва маданият ўчоғи бўлиши билан бирга мактабларга университет таълимини олган ўқитувчилар етиштиришда муҳим роль ўйнайди.

ТошДУ янги ўқув тизимига ўтиш режасида бакалавр ва магистр унвонига эга бўлган ёшларда асосий касбларидан ташқари ўқитувчилик қилиш ҳуқуқи ҳам бўлади. Бунинг учун психология, педагогика, фан ўқитиш методикаси ва педагогик практика бажарилиши шарт бўлган фан сифатида ўқув планига киритилади. Ўқитиш методикаси бўйича магистрлар тайёрлаш ҳам кўзда тутилган. Бунинг учун юқори босқичда махсус кафедралар ташкил этилиб, давлат эҳтиёжига қараб малакали методистолимлар етиштирилади.

Тошкент Давлат университети ўқув-методик кенгаши ва илмий кенгаши янги ўқув планлари ҳамда мутахассис тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш бўйича тегишли тавсияномаларни тасдиқлади. Факультетларда кўп босқичли ўқиш тизимига ўтиш учун тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Кўп босқичли ўқув тизимига ўтиш ўз навбатида бир қатор янги муаммоларни ҳал этиш заруратини келтириб чиқаради. Мазкур тизимга олий ўқув юртларнинг ўтиши қандай тартибда амалга оширилиши керак?

Табиийки, барча олий ўқув юртларини бир хил илмий-методологик даражага эга деб бўлмайди. Улар ўқув жараёнини ташкил қилишнинг энг зарур таркиби бўйича кескин фарқланади. Ҳамма олий ўқув юртларида ўқув-тажриба базаси ва моддий-техника воситалари билан таъминланиш бир хил эмас. Профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимларнинг профессионал билимлари, уларнинг малакаси, имконият ва қобилиятлари турличалиги сир эмас. Шу нуқтаи назардан биринчи навбатда Давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган олий ўқув юртларига кўп босқичли ўқув тизимига ўтиш учун рухсат этилиши керак. Магистратура очиш ҳуқуқи ҳам Давлат аккредитациясидан ўтган олий ўқув юртларига берилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бундай таклиф олий мактаблар ўртасида рақобатга, ҳар бир олий билимгоҳда ўқув жараёнининг мумкин қадар юқори бўлишига интилиш битирувчилар малакаси замон талабига яқинлашишига олиб келади. Иккита олий ўқув юртида ўқишни ҳоҳловчи ёшлар, аввало, ўқиш муддати икки хиллигини кўрадилар. Аттестациядан ўтган ўқув юртида бакалавриатда тўрт йил ўқиб, битирувчилар фан бакалаври унвонини оладилар. Аттестациядан ўтмаган ўқув юртида эса беш йил таҳсил олиб, ҳозирги кундаги дипломга эга бўладилар.

Магистратура очиш учун Давлат кредитини олиш ҳар томонлама имконияти кенг, йирик илмий мактабларга эга бўлган, моддий-техника жиҳозланиши юқори ва малакали педагогик илмий ходимлари етарли, ихтисосли мутахассис, фан магистри унвонини жаҳон бозори талабига мос қилиб тайёрлайдиган олий ўқув юртлари сонини аста-секин бўлса-да орттириб боради. Бу чеклаиш ўз навбатида кадрлар тайёрлашга сарфланаётган харажатларнинг самарадорлигини ҳам оширади. Шундай экан, давлат миқёсида республика таълими қонунида бакалавриат ва магистратура, умуман, кўп босқичли ўқув тизими ўзининг юридик мақомига эга бўлиши керак. Шундай қонунда фан бакалаври ва фан магистри унвонларининг юридик мақоми, бакалавр ва магистрларнинг ҳуқуқлари акс эттирилиши лозим.

Иккинчи босқичда бериладиган диплом эса магистр унвонини олиш, аспирантура ёки докторантурада ҳамда чет давлат университетларидаги аспирантура ва докторантурада ўқиш, олий ўқув юртлари, ўрта таълим тизимининг сўнгги босқичи-техникум, юқори синф, лицей, коллеж ва ихтисослашган мактаб ёки синфларда педагогик лавозимларда ишлаш, илмий ходим, юқори категорияли мухандис, олий ва халқ таълими бошқарув давлат муассасалари, вазирликларда ишлаш, чет давлатларда мутахассислик ва ихтисослиги тўғри келган ҳолда Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик қилаётган корхоналарда хизмат қилиш ҳуқуқини беради. Бу ҳуқуқлар Республикамиз шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолда тегишли вазирликлар билан биргаликда кўриб чиқилиши, қонунлаштирилиши муҳим аҳамиятга эга. Яна бир томони шундаки, университетни битирувчиларга берилаётган дипломлар ва унвонлар турли ҳуқуққа эга бўлиши кадрларни етиштириш, тўғри танлаш имкониятини яратади. Масалан, фан бакалаври бор мутахассис аспирантура ёки докторантурада тўғридан-тўғри ўқишни давом эттиролмайди. Бунинг учун бакалавр, албатта, магистратурани битирган бўлиши шарт. Ёки бакалавр унвони магистратурани битирган мутахассислар талаб этиладиган иш лавозимларига қабул қилинмайди. Магистр бакалаврга мўлжалланган лавозимда ишлаши мумкин, бакалавр эса аксинча, магистрлик ўрнига ишга қабул қилинмайди.

Ниҳоят, яна бир муаммо. Олий мактабни битирувчи бакалавр ва магистрларнинг ишбилармонлик, билимдонлик фазилатлари қандай бўлиши керак? Бу фазилатлар истеъмолчи, яъни халқ хўжалигининг барча тармоқлари, илмий-текшириш институтлари, давлат корхоналари талабига мос келадими? Мазкур вазифа жаҳон бозорига шаҳдам қадам қўяётган мустақил Ўзбекистоннинг келажаги учун муҳим аҳамият касб этади. Олий ўқув юртлари ҳар бир мутахассислик, ихтисослик бўйича бакалавр ва магистрларнинг ишбилармонлик, билимдонлик фазилатлари қандай бўлишини ўз имкониятлари, янги ўқув режасидан келиб чиққан ҳолда таклиф этсалар, булар тегишли истеъмолчилар томонидан кўриб чиқилса, иккала томон умумий фикрга келгач, ишбилармонлик ва билимдонлик фазилатлари лойиҳаси кенг муҳокама қилинса мақсадга мувофиқ иш бўларди.

Ў. МУСАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, химия фанлари доктори, профессор.

А. ФАЙЗИЕВ,
физика-математика фанлари номзоди, доцент.

(Қалам ҳақини 21-болалар уйи жамғармасига ўтказишингизни илтимос қиламиз).

Наманган вилоят матлубот жамиятига қарашли «Лола» савдо маркази Красноярск ипакчилик комбинати билан ҳамкорликда «Фазо» кичик давлат қўшма корхонасини ташкил этди. Эндиликда бу ерда духобага ўхшаш патли газламалар ишлаб чиқарилмоқда. Айтиш керакки, жумҳуриятимизда бундай маҳсулотга талаб катта. Шу боис савдо ходимлари маҳаллий бозорни ушбу турдаги газламаларга тўлдиришни мақсад қилиб қўйишган.

Наманган районида Красноярскдан келтирилган 20 та тўқув дастгоҳлари ўрнатилди. Тез орада ускуналар 160 тага етказилади.

СУРАТДА: савдо маркази ходими М. Тожибоева янги маҳсулотни кўздан кечираяпти.

А. КОВТУН (ЎзА) олган сурат.

ЎзА МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ОТАНГ БОЗОР— ОНАНГ БОЗОРМИ?»

● Пишиқчилик бошланган бўлса-да, бозорлардаги нарх-наво ҳали ҳам баланд. Деҳқон учун ҳам, харидор учун ҳам осон бўлмай турган ҳозирги вақтда Тошкент бозорлари ҳамда «Ташгорплодоовощпром»га қарашли сабзавот дўконларида аҳолига хизмат кўрсатиш қандай аҳволда? «Ўзбекистон овози» ҳамда «Халқ сўзи» газеталарининг шу йил 5 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада ана шулар ҳақида мулоҳаза юритилган эди.

Муҳарририят Тошкент шаҳар бозорлар бошқармасининг мазкур масалага бағишланган мажлиси бўлиб ўтганлиги тўғрисида хат олди. Унда ёзилишича, мақолада келтирилган фактлар эътироф этилган. Паттачи ва тарозибонлар иши устидан назоратни бўшаштириб юборилгани учун Олой, Юнусобод, Миробод, «Наврўз» бозорларининг директорларига ҳайфсан эълон қилинган. Тарозибонлар Ш. Мажидов, С. Мухторов, паттачилар Т. Ҳожиев ва Р. Акромовлар ишдан бўшатилган.

* * *

«Ташгорплодоовощпром» маъмуриятидан ҳам жавоб хати олинди. Унда айтилишича, мақола Тошкент шаҳар давлат-кооператив ишлаб чиқариш мева-сабзавот бирлашмаси жамоасида муҳокама этилган, кўтарилган масалаларни ҳал этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланган, айбдорлар жазоланган.

Юнусобод райони улгуржи-чакана мева-сабзавот савдо корхонаси (директори А. Юсупов)га қарашли 16-дўкон мудирининг ўринбосари С. Умарова нарх устидан назоратни сусайтириб юборгани учун вазифасидан бўшатилган. Савдо қоидаларини қўпол равишда бузгани, харидорлар ҳақига хиёнат қилгани учун шогирд-сотувчи Э. Маркаев уч ой омборда юк ташувчиликка ўтказилган. Дўкон мудири А. Воҳидовга сотувчилар иши устидан назоратни бўшаштириб юборгани учун қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган.

Бирлашманинг Олой бозоридаги «Наврўз» савдо-тайёрлов корхонаси раҳбари Р. Рашидовга қаттиқ ҳайфсан берилган ва йўл қўйилган камчиликлар яна такрорланган тақдирда у эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилиши ҳақида огоҳлантирилган. Савдо ишларини етарли назорат қилмагани, савдо тармоқларини янги сабзавот билан таъминлашда сусткашликкга йўл қўйгани учун ташкилий бўлим бошлиқлари А. Раҳматуллаев, Ҳ. Маҳкамов қаттиқ огоҳлантирилган, бирлашма раисининг ўринбосарлари Т. Шукуров, А. Жалиловга эса огоҳлантириш эълон қилинган.

(ЎзА).

• ЙИГИТ СЎЗИДАН, АРСЛОН ИЗИДАН...

Катта ака

Бу воқеа деярли ўн беш йилча муқаддам рўй берган. Кеч куз, совуқ тушиб қолган, пахта йиғим-терининг энг оғир кунлари борарди. Хўжалик, район планни бажарган бўлсада, лекин вилоятда аҳвол оғир эди.

Ленин номли колхоз клуби одамлар билан тўлган. Йиғилиш бормоқда. Одамларнинг ҳам, ҳайъатда ўтирган раҳбарларнинг ҳам юзлари тунд, қовоқлари солиқ. Минбарда вилоят партия қўмитасидан келган вакил сўзламоқда:

— Кейинги кунларда суръат пасайиб кетмоқда. Афтидан, баъзи ўртоқлар планни дўндириб қўйдим деб, ўзидан кетаётганга ўхшайди. Қани масъулият?! Ҳар қандай шароитда ҳам теримни кучайтириш керак, Касалманд, деганлар ҳам кўпайиб бораётган эмиш. Ҳеч қандай баҳона кетмайди! Қор ёғадими, ёмғир ёғадими, ўпка касалмисиз, юрак қасалмисиз — бари бир далага чиқасиз. План тўлмагунча ҳеч кимга тинчлик йўқ, буни яхшилаб уқиб олинглар!

Шу пайт йиғилиш аҳли ўртасидан бир одам даст ўрнидан турди. У таниқли бригада бошлиғи Аҳмад ака Хотамов эди.

— Нима дединг?- — минбарда турган одамга мурожаат қилди у ғазабини боса олмай. — Сил бўлсак ҳам, шол бўлсак ҳам пахта терайликми? Минг лаънат сенга. Сенга гап ўргатганга ҳам... Тур, чиқиб кет бу ердан, йўқол!.

Ҳамма ёқ ғала-ғовур бўлиб кетди. Раҳбарлар дарғазаб бўлишиб, таҳликага тушиб қолдилар. Биров пўписа қилди, биров инсофга чақирди, кимдир эса у ёқ-бу ёққа чопиб қолди. Буни қарангки, бир зумда клуб эшиги олдида милиция машинаси пайдо бўлди. Аҳмад акани кўпчилик бўлиб машинага тиқдилар. Лекин ҳайриятки, машина дарғазаб бўлиб кетган деҳқонни қамоқхонага эмас, уйига олиб бориб қўйибди...

Мана орадан шунча йиллар ўтди. Аҳмад аканинг қайтиш қилганларига ҳам анча бўлаётир. Лекин колхоз аҳли ўша йиғинни, ўша воқеани унутганлари йўқ. Рости, унутмасалар ҳам керак. Чунки Аҳмад аканинг ўша ҳайқириғида ҳамманинг айтолмайдиган дардаламлари бор эди. Бундай журъатга эса фақат ўшандай инсонгина қодир эди.

Ўртанча ака

Ўша йиллари Боёвутда икки машҳур хўжалик бўлиб, бири «Коммунизм», иккинчиси Ленин номли колхоз эди. Улар ўртасини район марказига олиб борадиган битта йўл ажратиб турарди, холос. Хўжаликларнинг марказлари орасидаги масофа ҳам нари борса беш-ўн чақиримдан ошмайди.

Шарофбой ака ана шу машҳур хўжаликлардан бири бўлган Ленин номли колхозда бош ҳисобчи бўлиб ишлар эдилар. Айни обрўйи ошиб, омади чопган пайтлари. Давлатмандлиги устига дўстлари, ёр-биродарлари ҳам кўп эди. Кунлардан бир кун юқоридаги тоғли қишлоқлардан Мирзачўл тупроғига биргаликда кўчишган юртдошлари Шарофбой акани меҳмондорчиликка чақириб қолишди. Мезбонлар «Коммунизм» колхозида истиқомат қилишарди.

Меҳмондорчилик роса зўр бўлди. Қариндошлар ўртасидаги меҳрибончилик шу даражага бориб етдики, пировардида мезбонлар Шарофбой акага: «Қўй ўша булбулнинг қулоғидек колхозингни, бош ҳисобчиман деганинг билан шунча йил ишлаб нима топдинг? Қўриб турибсан, бу атрофда бойликда ҳам, обрўдаям бизнинг жамоага тенг келадигани йўқ. Раисимизни эса бутун Ўзбекистон билади. Ит бўл — қуш бўл — кўп бўл, деганлар. Орамизга кел, ўша ишингни шу ерда ҳам топиб берамиз» дея туриб

ОҒА-ИНИЛАР

олишди. Юрак эзди гапларга охири Шарофбой ака таслим бўлди. «Бор-э, келсам-келганим бўлсин!» деди у қатъиятлик билан. Мезбонлар эса темирни қизиғида бос деганларидай, «Кўчингни тайёрлаб тур!» деб қолишди орқасидан. Орадан бир кун ўтар-ўтмас Шарофбой ака ҳовлиси олдига иккита юк машинаси келиб тўхтади.

— Қани, кетдик, — дейишди меҳмонлар кечагидан ҳам кўра меҳрибонлик билан.

Кўпчилик бўлиб келишган экан, бир зумда ҳамма нарса саранжомланиб, машинага ортилди. «Ўзинг, чала ишларингни қилиб, эрталаб етиб бор-» дейишдию, машиналар кўздан ғойиб бўлди.

Шарофбой ака эртасига ариза кўтариб кирганида қулоқларига ишонмади. Бош ҳисобчи тушмагурни нима жин урди экан? Эси-ҳуши жойидами ўзи? Ҳе, йўқ, бе йўқ кетаман деб ўтирса-я? Раиснинг дили оғриди. Чунки «Коммунизм»нинг каттаси билан зимдан тортишиб юрган жойи ҳам йўқ эмасди...

Шундай бўлсада, раис тишини тишига қўйиб, бош ҳисобчисини ҳафа қилмай, аризасига қўл қўйиб берди...

Янги жойда Шарофбой акани яхши кутиб олишди. Уни йирик хўжаликнинг чорва бўйича бухгалтери қилиб қўйишди. Лекин бу содда, оққўнгил, ишонувчан одам учун кутилмаган, энг қийин воқеалар кейинчалик бошланди.

Нима бўлдию, колхоз раисининг пинҳоний ғаними олий ташкилотларга юмалоқ хат юбордилар. Буни қарангки, улар ана шу хатга бу соҳалардан айтарли хабари йўқ, қўшни хўжаликдан келган ҳисобчи Шарофбой аканинг имзосини тиркаб юборишган эдилар.

Марказдан келиб шикоятни роса текширдилар. Нималардир тасдиқланди, нималардир тасдиқланмади. Хуллас, бу кўнгилсизликлар ҳам ўтди. Лекин раис билан қўшни колхоздан келган ҳисобчи Шарофбой аканинг ораси бузилган эди. Раис бу одамнинг гапларига ишонмади, уни жинидан баттар ёмон кўриб қолди ва охири турли баҳоналар билан ишдан бўшатиб юборди. Шарофбой ака бу билан ҳам қутилмади. Ўзини ёлғизланиб қолгандек ҳис этди. Ниҳоят бу ердан илгариги жойига кўчиб кетишга мажбур бўлди...

Жўжабирдай жон оиласи билан қиш остонасида ишсиз қолди. Уй-жойи ҳам ночор аҳволда эди. Илгари енгилтаклик қилиб ташлаб кетган хўжалик раҳбари олдига бош эгиб боришга эса истиҳола қилар, юзи чидамас эди. Хуллас, энди унинг оиласига суянчиқ бўладиган бир-икки туёқ чорва молидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди.

Эгилган бошни қилич кесмас, деганлар. Минг қилса ҳам меҳнатим синган ўз колхозим-ку, деган умидда Ленин номли жамоа хўжалиги раиси идорасига йўл олди. Ёнида ўтилчаси ҳам бор эди.

— Шарофбой ака, келинг, келинг, оға хизмат? — деди раис хурсанд бўлиб.

— Қишга хашагим йўқ, нима қилишни билмай, молимга емиш сўраб келувдим, раис...

Колхоз раиси Раҳмат Хотамов суҳбатдошига синовчан разм солди. Орадан бор-йўғи икки йилча вақт ўтганди чамаси. Лекин Шарофбой ака жуда ўзгариб кетганди. Қариган, руҳсиз, журъатсиз бўлиб қолибди...

— Шу арзимаган хашак учун овора бўлиб келиб юрибсизми? Қаранг, Комилжон катта йигит бўлиб қолибди, уни юбора қолсангиз бўлмасмиди? Айтаман хашакни уйингизга олиб бориб беришади. Бошқа келинг, ишларингизни гаплашамиз...

Сўнг раис қўл бериб хайрлашди-да, шошиб машинасига ўтириб, қаёққадир жўнаб кетди. Шарофбой аканинг елкасидан тоғ қулагандек бўлди. Ўзи ўзику, ўғли Комилжоннинг яйраганини айтмайсизми! Одам ҳурмат топган жойида азиз деб шунга айтадиларда, 19 ёшли Комилжон раиснинг шу бугунги бир оғиз ширин сўзи учун бир умр шу юрт одамларига фидойилик билан хизмат қилишга аҳд қилди.

Йиллар ўтди. Не-не одамлар ҳаётдан кўз юммадилар. Шарофбой ота ҳам бандаликни бажо этдилар. У одамнинг ишларини Комилжон давом эттирди. Мана ҳозир у партком котиби. У бу гўша одамлари ҳаётини чароғон қилишга бел боғлаган ота ўғил.

Ука

Райком бюросининг мажлиси борарди. Чорвачилик масаласи муҳокама этилмоқда. Хўжаликларда вазият оғир. Юқоридан эса талаб кучли. Давлатга гўшт, сут, тухум, бошқа нарсалар керак. Гап ана шулар ҳақида борарди.

Сўз навбати Ленин номли колхоз раиси Султон Раҳмонқуловга (У Аҳмад, Раҳмат Хотамовларнинг укаси, бобоси номига ўтиб қолган) берилади. У қисқача ахборотини тугатганидан сўнг райкомнинг биринчи котиби деди:

— Ҳар бош сигирдан соғиб олинаётган сут миқдорини ўрта ҳисобда 13—14 литрданга етказиш керак, — вассалом. Бошқа важ-карсонларга ўрин йўқ.

— Бунинг сира иложи бўлмайди, — жавоб қилди раис.

— Нега?! — ўқрайди бундай жавобларни эшитишга одатланмаган райкомнинг биринчи котиби жаҳл билан.

— Бунча миқдорда сут олиш учун, энг аввало, сигирларнинг наслини тозалашимиз керак. Ўтган йили шу ишни қилмоқчи бўлганимизда рухсат бермагансиз. Райком сигирлар бош сонининг камайишидан қўрқди. Мана энди сон бору сифат йўқ, сут ҳам оз.

— Насл-пасилингизни билмайман. Топшириқни бажарасиз — вассалом!

— Сиз билмасангиз — мен биламан. Ҳозирча бунинг иложи йўқ.

— Э, қанақа ўжар одамсиз ўзи?! — луқма ташлашди орқада ўтиришган икки хўжалик раҳбари бараварига. — Ўзингиздан катта раҳбар бир гап айтганда «хўп» деб қўяқолингда. Райком котиби бир нимани билмаса гапирмайди, ахир!

— Бу ерда «хўп-хўп» дея каттага яхши кўриниб чиқиб кетасизлару, лекин кўчага чиқишимиз биланоқ ёмонлашга тушасизлар. Эркак одамнинг ишими шу! — деди Раҳмонқулов тутоқиб.

Қовоғидан қор ёғиб турган котибнинг чеҳрасида жилмайиш аломатлари сезилди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Сирдарё вилояти.

СПОРТ

МУҲИМ ҒАЛАБА

● **МАНИЛА шаҳрида шахмат бўйича жаҳон олимпиадаси мусобақалари давом этмоқда.**

Юз элликдан ортиқ мамлакат шахматчилари иштирок этаётган олимпиада баҳсларида Ўзбекистон вакилларининг кутилмаган муваффақиятларга эришиб, кўпчиликни қувонтираётгани ҳақида хабар қилган эдик. Улар тўртинчи тур ўйинларидан кейин пешқадам Россия жамоасидан ярим очко ортда қолиб, иккинчи ўринда боришаётган эди. Бешинчи турда Англия шахматчиларини 2,5:1,5 ҳисобида мағлубиятга учратган шахматчиларимиз мутахасисларни ҳайратга солишди. Ана шу ютуқдан кейин 20 имкониятдан 14,5 очко тўплаган спортчиларимиз учинчи ўриндаги мавқеларини яхшилашди. Олтинчи турда эса Россия жамоасига имкониятни бой бериб қўйишди. Ҳозир вакилларимиз 15,5 очко билан кучли жамоалар қаторидан жой олиб туришибди.

ИМКОНИЯТ БОР

Бугун иккинчи гуруҳ жамоалари ўртасида саралаш учрашувларининг якунловчи баҳслари бўлиб ўтади.

Кеча Швеция — Англия, Франция — Дания жамоалари майдонга тушдилар. Маълумки, бу гуруҳда Швеция футболчилари учта очко билан пешқадамлик қилишмоқда, Франция ва Англия жамоаларида иккитадан очко бор. Иккинчи гуруҳда эса финалчилар тақдири сўнгги учрашувларда ойдинлашадиган кўринади. Чунки, Шотландия — Олмония учрашувида 0:2, Голландия — МДҲ ўйинида 0:0 ҳисоблари қайд этилди. Ҳозир Голландия ва Олмония футболчилари учта очко билан пешқадамлик қилишмоқда. МДҲ жамоасида иккита очко бор. Шотландия ҳозирча очкосиз. Бугун Голландия — Олмония, Шотландия — МДҲ футболчилари ўзаро учрашадилар. Кўриниб турибдики, МДҲ футболчиларида курашни давом эттириш учун имконият бор.

ШАХМАТ ФЕСТИВАЛИДА

● **ТОШКЕНТДА Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари шахматчиларининг анъанавий фестивали давом этмоқда.**

Дона суриш баҳсларида қарийб 70 нафар спортчи иштирок этмоқда. Мусобақа якунланишидан бир тур олдин тошкентлик Михаил Гольденберг билан қозоғистонлик Нозим Эрназаровлар саккиз имкониятдан 7 тадан очко тўплаб олдинда боришмоқда. Тошкентлик Рашид Ёқубов ҳисобида 6,5 та очко бор.

ЁШЛАР ЗАФАРИ

● **ТОШКЕНТДА темирйўлчилар кўнгилли спорт жамияти ёшлари ўртасида очиқ биринчилик ўтказилди.**

9 жамоа иштирок этган бу мусобақада иқтидорли боксчилар камол топаётгани кўзга ташланади. Вазнларга кўра поплик Низом Бозоров, Валерий Тущев, тошкентлик Дилшод Аҳмаджонов, Ўткир Музаффаров, Ғайрат Расулов, Шуҳрат Отажонов ҳамда бухоролик Шокир Ғайратовлар ғалаба қозонишди.



Зомин тоғлари дам олувчиларни бағрига олмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

АХБОРОТ

ЮРАК ОҒРИМАСИН ДЕБ

● **Тошкент вилоятининг Ҳасанбой қишлоғида маҳаллий касалхона негизида очилган реанимация бўлими қишлоқ шифокорларининг имкониятларини анча кенгайтиради. Бўлимнинг очилиши бу ерда райондаги ягона кардиология маркази ташкил этилиши билан боғлиқ.**

— Сўнгги вақтда юрак хасталиклари билан касалхонага келаётган беморлар сони анча кўпайди, — дейди бош шифокор Ҳ. Ҳамидов. — Бундай беморлар одатда оғир аҳволда, ўткир инфаркт миокарди билан келтирилади. Шу сабабли кардиология хизматининг, унинг кетидан эса реанимация бўлимининг очилиши давр тақозоси бўлди. Қишлоқ меҳнаткашлари шаҳардагидан қолишмайдиган шароитда даволаниш имкониятини олдилар. Бўлим Ватанимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, бу ерда ишлаётган шифокорлар ва тиббий ҳамширалар Тошкентдаги энг яхши шифохоналарда малакали ёрдам кўрсатиш кўникмаларини эгаллаб келганлар .

ДОРИ-ДАРМОН ҚИММАТ, ҚАНДАЙ ДАВОЛАНИШ КЕРАК?

● **Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикалари орасида дори-дармонлар нархини сўнггилар қатори оширди. Дори-дармонлар анча қимматлашди, бироқ кўпгина беморлар бундан азият чекишмади. Жумладан, уч ёшгача бўлган болалар, ревматизм, қанд диабети, онкология ва бир қанча бошқа касалликларга чалинганлар, шунингдек, уруш қатнашчилари, Афғонистон урушида қатнашган жангчилар дори-дармонларни бепул оладилар.**

Дорихоналарда бундай тоифадаги беморлар учун, шунингдек, ногиронлар учун заҳира жамғармалари тузилган. Чақалоқларга, камқон хомиладор аёлларга хизмат кўрсатиш учун дори қутилар ташкил этилган. Дори-дармонларни имтиёзли нархларда ёки бепул оладиган фуқаролар рўйхати кенгайди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги стационарларга бепул даволаш учун 70 га яқин номдаги дори-дармонлар бепул берилаётганини ҳисобга олиб, ҳаёт учун жуда муҳим дорилар рўйхатини тузди. Бу дориларнинг нархи белгилаб қўйилган. Дори-дармонларга эркин нарх белгилаш ҳам назарда тутилган. Бироқ, қиммат турадиган дорилар одатда бепул берилади, чунки бундай дориларга сурункали касалликлар билан оғриган беморлар, ногиронлар муҳтож бўладилар. Шундай қилиб, дори-дармонлар нархи ошиши муносабати билан кўриладиган зарар жуда оз бўлиши ҳамда бу зарарни, айниқса, ҳимояга муҳтож кишилар сезмасликлари учун чора-тадбирлар тизими пухта ўйлаб белгиланган.

(ЎзА мухбири).

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг ЖАРЧИНОМАСИ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1992—1993 ўқув йили учун

қуйидаги ихтисослар бўйича кундузги бўлимга

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кутубхонашунослик куллиётида — оммавий ва илмий (ўзбек, рус), болалар ва мактаб ҳамда техника кутубхоналарининг кутубхоначи-библиографи.

Маданий-маърифий ишлар куллиётида — маданий-маърифий ишлар методист-социологи (ўзб. рус), ҳаваскорлик театр ижодиёти раҳбари, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри раҳбари, хор ҳаваскорлиги раҳбари, оммавий байрамлар режиссёр-ташкилотчиси, халқ мусиқаси, рақс ансамбли раҳбари, дам олиш ташкилотчиси, маданият соҳаси менеджери.

Институтда меҳнаткашлар ва ташкилотлар билан шартнома асосида ҳам ўқишга қабул амалга оширилади.

ҚАБУЛ ИМТИҲОНЛАРИ ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:

Кутубхоначилик куллиётида: она тили ва адабиёти (иншо ва оғзаки), Ўзбекистон тарихи (оғзаки); Маданий-маърифий ишлар куллиётида: мутахассислик (оғзаки), она тили ва адабиёти (иншо), Ўзбекистон тарихи (оғзаки).

ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТОПШИРИЛАДИ:

Ариза, ҳарбий хизмат ҳужжати, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат, соғлиғи тўғрисидаги—086/Ў намунадаги маълумотнома, 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Олий билимгоҳ манзили: 700164, Тошкент шаҳри, Яланғоч даҳаси 127 а-уй.

Телефонлар: 62-03-24, 62-03-23, 62-38-33.

УРТА ОСИЁ ТЕМИРЙЎЛ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

Ҳар қандай юкларни суғурта қилади ва Сизнинг хоҳишингизга мувофиқ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бутун ҳудуди бўйлаб уларни кузатиб боришни ва мустаҳкам қўриқлашни таъминлайди, шунингдек маҳсулотлар олиб чиқиб кетишига лицензия бўлган чоғда тез бузиладиган маҳсулотларни жўнатишда кўмаклашади ҳамда Сизга шуни кафолатлайдики:

Сизда энди ҳеч қандай муаммолар бўлмайди!

Сиз биз билан бирга бўлсангиз—бу бизнинг муаммоларимиздир!

Бизнинг манзилгоҳ: 700047, Тошкент шаҳри Жуковский 3-тор кўчаси, 6-уй. Телефон 33-82-89.

Бўлимлар:

1. Тошкент шаҳри — 99-77-73
2. Қўқон шаҳри — 97-32-32
3. Бухоро (Когон шаҳри) — 43-35-38
4. Душанбе шаҳри —
5. Орол бўйи (Қўнғирот шаҳри)—5-88 (темирйўл).

ЎЗБЕКИСТОН ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ ВА ИНФОРМАТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

иш юритишни ўзбек тилида олиб бораётган ташкилотлар ва корхоналарга ёрдам бериш мақсадида:

Ташкилотлар, корхоналар ва фуқароларга ПЭЛП—305—07 типидаги ихчам электрон «Ромашка» ёзув машиналарини

СОТАДИ

машина матнларнинг ўзбек ва рус алифбосида ёзилишини таъминлайди;

Машиналарнинг кафолатли таъминланишини, унда ишлашга ўргатишни ва ана шу машиналарга техника хизмати кўрсатилишини

АМАЛГА ОШИРАДИ

Манзилимиз: 700096, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй.

Телефонлар: 78-11-79, 78-20-91.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Узбекгазқурилиш-1» махсус ихтисослаштирилган қурилиш монтаж трестининг маъмурияти, жамоат ташкилотлари трест бошқарувчиси В. С. Содиқовга онаси

Меҳринисо СОДИҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси нашриёт мусаҳҳиҳлар бўлимининг бошлиғи Д. Абдуллаевага акаси

Анвар ИНОЯТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

386.914 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—128.

Нашр кўрсаткичи—64583, № 119.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—21.35.. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.